2016 ЙИЛ 18 МАРТ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 56 – 57 (13.119 – 13.120)

Баҳоси эркин нархда

Наврўз – 2016

ВИНОД КУМАР:

НАВРЎЗ – МЕҲР-ОҚИБАТ, ЭЗГУЛИК ВА ҚАДРИЯТЛАР КЎЗГУСИ

Наврўз байрами арафасида ЎзА мухбири Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Винод КУМАР билан суҳбатлашди.

– Жаноб элчи, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги маданий ҳамкорлик истиқболлари ҳақида фикрингизни баён қилсангиз?

– Аввало, шуни таъкидлашим керакки, Ўзбекистондаги дипломатик фаолиятимни ўтган йил май ойида бошлаган эдим. Шу вақт мобайнида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар улкан самаралар бераётганига бевосита гувоҳ бўлдим. Беқиёс ўзгаришлар шаҳар-қишлоқлар қиёфасида, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиги ошиб, барча соҳалар изчил ривожланаётганида яққол кўзга ташланади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ва маърифий алоқалар узоқ асрларга бориб тақалади. Халқларимиз қадимдан мустаҳкам дўстлик ришталари билан боғланган. Тарихимиз, адабиётимиз, мусиқа, тасвирий санъат ва меъморлигимизда ўхшаш жиҳатлар кўп.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил май ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг 2015 йил июль ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун кенг имкониятлар очди.

— Мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

– Ўзбекистон қадимдан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган юрт сифатида дунёга машҳур. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқингизнинг маданий меросини асраб-авайлаш, миллий қадриятларни тиклаш, ўрганиш, ривожлантириш ва тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ.

Наврўз меҳр-оқибат, эзгулик ва қадриятлар кўзгусидир. Юртингизда бу байрам катта тантана билан нишонланишини биламан. Наврўз арафасида барча шаҳару қишлоқлар шундай кўркам қиёфа касб этганки, таърифлашга сўз ожиз.

Майдон ва хиёбонларда ўтказиладиган байрам томошалари, турли мусобақалар бутун элни жипслаштиради. Буларнинг бари халқингизнинг миллий қадриятларга содиқлигидан, фарзандларини шу руҳда тарбиялаётганидан, тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик каби эзгу ғояларни дунёга тарғиб этиб келаётганидан далолат беради. Бундай хайрли ишларда халқингизнинг фаоллигига, меҳр-оқибатига ҳавас қилса арзийди.

Оила аъзоларимиз билан Наврўз байрамини илк маротаба гўзал ва мафтункор Ўзбекистонда кутиб олаётганимиздан бахтиёрмиз. Тошкент шаҳрининг майдон ва хиёбонларида ўтказиладиган байрам сайилларини томоша қилишни интизорлик билан кутмоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин юракдан муборакбод этаман. Барчага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, мамлакатингизга янада юксак тараққиёт ва равнақ тилайман.

Матназар ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

"Ўзэкспомарказ"да озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган "WorldFood Uzbekistan – 2016" ва "AgroWorld Uzbekistan – 2016" халқаро кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирларнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳаси ва озиқ-овқат саноатида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Бу жараёнда ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг татбиқ этилаётгани муҳим ўрин тутмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 15 майдаги "Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, бошқа қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар соҳани янада ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ишлар самарасида 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорларига экспорт қилинаётир. Сўнгги уч йилда ташқи бозорга йўналтирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми уч баробардан ошди. Озиқ-овқат товарларини аҳолига узлуксиз етказиб бериш, сифати ва хавфсизлигини таъминлашга эришилмоқда. Мисол учун, 1990 йилда аҳолининг озиқ-овқат, хусусан, гўшт, сут, қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги кунга келиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи юртимизда етиштирилмоқда.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида туради. 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга 114 янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса йил давомида нархларнинг мавсумий ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш имконини бермоқда.

Кўргазмаларда Хитой, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Португалия, Нидерландия, Австрия, Бельгия, Болгария, Дания, Польша, Швеция, Словакия, Литва, Индонезия, Малайзия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари каби 28 мамлакатдан бир юз олтмишдан зиёд компания иштирок этмоқда.

"WorldFood Uzbekistan" ва "AgroWorld Uzbekistan" кўргазмалари озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, совутиш ҳамда ресторан ускуналари, қадоқлар ва қадоқлаш технологиялари, паррандачилик, чорвачилик, ветеринария, донни қайта ишлаш ва сақлаш, омихта ем ишлаб чиқариш учун ускуналар, қишлоқ хўжалиги техникасига оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

(Давоми 2-бетда)

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан олий таълим тизимида илмий-педагог кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 июлдаги "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Айни пайтда илмий даражалар бериш бўйича амалдаги ихтисослашган кенгашлар чуқур таҳлил қилиниб, фан йўналишлари ва ихтисосликларнинг янги рўйхатини ҳисобга олган ҳолда етакчи олий таълим даргоҳлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида тегишли фан йўналишлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тузилган. Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий таълим даргоҳларида 925 нафар катта илмий ходим- изланувчи докторлик диссертацияси бўйича илмий тадқиқот ишини олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тизим ходимлари салоҳиятини оширишга асос бўлмоқда. Унга мувофиқ олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини замонавий талаблар асосида мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилди, бу борадаги малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услублар янгиланди.

Давра суҳбати давомида вазирликлар ва ташкилотлар тасарруфидаги олий таълим масканларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тартибини такомиллаштириш, кадрларни аттестациядан ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда "Ташаббус – 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти совриси учун вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда қарийб 30 фермер, тадбиркор ва ҳунарманд ўз маҳсулотларини намойиш этди.

● Самарқандда соғлиқни сақлаш тизимида инвестиция давлат дастури асосида қурилаётган объектларда режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари олиб борилишига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Семинар иштирокчиларига инвестиция дастури асосида Самарқанд вилоятидаги тиббиёт муассасаларида олиб борилаётган ишлар ва унинг натижалари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Лойиҳа институтлари ва қурилиш ташкилотлари масъул ходимлари, архитекторлар, тиббиёт муассасалари раҳбарлари қурилиш жараёнлари ва бунда эътибор қаратилиши зарур бўлган масалалар ҳақида ўзаро тажриба алмашди.

● Термизда "Таълим ва мутахассислик" кўргазмаси ҳамда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-ҳунар ва халқ таълими, меҳнат бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари, Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Вагенинген университети ва Голландия илмий тадқиқот маркази олимлари томонидан ўтказилган, таркиби Марс сайёраси ҳамда Ойнинг тупроғига жуда яқин бўлган тупроқда сабзавот етиштириш бўйича иккинчи тажриба муваффақиятли якунланди. Тажриба давомида помидор, нўхат, редиска каби ўн турдаги сабзавот ушбу тупроқда етиштирилган. Ушбу тажриба апрель ойида картошка ва ловия етиштиришда ҳам синаб кўрилади.

● Доминиканда Зика безгаги вируси билан хасталанган дастлабки ҳолат қайд этилди. Қизиғи шундаки, Зика юққан ушбу одам илгари безгак тарқалган бошқа мамлакатларга саёҳат қилмаганлиги боис мазкур хавфли хасталикка мамлакат ҳудудида чалинган.

● Таиландда сигарета чекишни ташламоқчи бўлганларга ёрдам берадиган махсус смартфон дастури ишлаб чиқилди. Дастурнинг моҳияти шундаки, у смартфон эгасига тамаки чекишдан воз кечишга қарор қилганини ҳар хил йўллар билан эслатиб, уни қатъиятли бўлишга ундаб туради. Чекишни ташловчилар кун давомида чекилган сигареталар сонини қайд этиб, чекишни ташлаш жараёни билан танишиб боради.

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Компаниямиз мева-сабзавотларни етиштиришга ихтисослашган, – дейди Италиянинг "Mazzoni Group" компанияси минтақавий менежери Антонио Феррареси. – Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар мазаси, табиийлиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Мамлакатингиз корхоналари томонидан тақдим этилаётган маҳсулотлар эса ғоят харидоргир, энг муҳими, халқаро сифат стандартларига мос эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Юртингиздаги турдош корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Мамлакатимиздаги қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, барча соҳага замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларининг маҳсулотлари ҳам экспозицияларда кенг ўрин эгаллаган. Салқин ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларнинг қўшимчаларини ишлаб чиқарадиган "Mehrigiyo", "Spring Mycelium Land", "Good Food Group", "Lazzat Karamel", "Vazira Business", "Sladus Produce" корхоналари шулар жумласидандир. Улар вафли, печенье, шоколад, конфет каби кенг турдаги қандолат маҳсулотларини, ёғ-мой маҳсулотлари, музқаймоқлар, чой навларини намойиш этмоқда. Навоий машинасозлик заводи, "United Food Machinery", "Viniks", "Furkan Max", "OSC" каби корхоналар стендларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда сақлаш ускуналари тақдим қилинган.

– 2011 йилдан буён фаолият юритаётган корхонамизда илғор технологиялар асосида карамеллар, шоколад ва вафлилар ишлаб чиқарилмоқда, – дейди "Lazzat Karamel" Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонасининг молиявий ишлар бўйича директори Саидакмал Жабборов. – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тадбиркорларнинг эркин ва фаол иш юритиши учун яратилган қулай шарт-шароит ва кенг имкониятлар муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Корхонамиз дастлаб йигирмага яқин турдаги ширинликлар ишлаб чиқарган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич олтмиш бешга етди. Маҳсулотларимизнинг сифати, кўриниши хорижникидан асло қолишмайди. Айни пайтда улар қатор давлатларга экспорт қилинмоқда. 2015 йили 1200 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқардик. Жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш ниятидамиз. Ушбу кўргазмалар маҳсулотларимизни истеъмолчиларга кенгроқ таништириш, ишбилармонлар билан ҳамкорлик ўрнатишга хизмат қилади.



Халқаро кўргазмаларда Хитойнинг "Zhengzhou Dingsheng Machine", "Big Herdsman" компаниялари ёғ ишлаб чиқариш ҳамда паррандачиликда қўлланиладиган ускуналарни, Францияниng "Ixapack" компанияси қадоқлаш технологияларини намойиш этмоқда. Музқаймоқ ишлаб чиқариш ускуналарини намойиш этаётган Австрия ва Италия компаниялари стендлари ҳам кўргазма иштирокчиларининг эътиборини тортмоқда.

– Компаниямиз Ўзбекистон билан 2012 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда, – дейди Хитойнинг "Big Herdsman" компанияси савдо директори Лиу Жун. – Мамлакатингизда ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда мунтазам қатнашамиз. Корхонамиз бройлерларни автоматик озиқлантириш ускуналари, паррандачилик соҳаси учун вентиляция ҳамда буғлантириш тизимлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар учун жорий қилинган имтиёзлардан яхши хабардормиз. Кўргазмада иштирокчиларга музокаралар ўтказиш, битим ва шартномалар тузиш учун барча қулайликлар яратилгани бизга маъқул бўлмоқда.

Ушбу кўргазмалар мамлакатимиз ишбилармонлари ва чет эллик ҳамкорлар ўртасида музокаралар ўтказиш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, икки томонлама манфаатли шартномалар имзолаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ:

ТАЖРИБА, ЯНГИЛИК ВА НАТИЖАЛАР

Пойтахтимизда "Ўзавтойўл" акциядорлик компанияси томонидан ўтказилган матбуот анжумани "Ўзбек миллий автомагистралини қуриш борасида амалга оширилган ишлар, белгиланган вазифалар, йўл ва кўприк қурилиши борасида эришилган натижалар, тажриба, янгилик ва муаммолар" мавзусига бағишланди.

Маълумот сифатида айтадиган бўлсак, бугунги кунда республика автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги 184 минг км. ни ташкил этиб, шундан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 42 минг 676 км. дан иборат.

"Ўзавтойўл" акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Шуҳрат Назаровнинг таъкидлашича, республикамизда умумий равишда юк ва йўловчи ташишнинг 90 фоизга яқин ҳажмини автотранспорт улуши ташкил қилади. Бу мамлакатимизда йўл-транспорт инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш масаласи нечоғлик долзарблигидан далолат беради. Автомобиль йўлларини таъмирлаш, янгиларини қуриш ва уларни жаҳон андозаларига мослаштириш бўйича компания олдига қўйилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш учун мамлакат миқёсида қабул қилинаётган Инвестицион дастурларнинг аҳамияти улкан бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартда қабул қилинган "2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги Қарори йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун муҳим дастурий қўлланмадир.

Мазкур қарор билан 2015-2019 йилларда "Ўзбек миллий автомагистрали" таркибига кирувчи республикадаги автомобиль йўллари қисмлари ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, йўл ташкилотлари ишлаб чиқариш базаларини техник ривожлантириш чора-тадбирларининг манзилли рўйхати тасдиқланган. Унга кўра, 2015-2019 йиллар давомида умумий ҳисобда – 2699,8 км. узунликдаги йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари кўзда тутилган.

Шунингдек, қарорда 4 минг км. дан зиёд хўжаликлараро қишлоқ йўллари, 2 минг км. шаҳар кўчалари таъмирланиши белгиланган.

Анжуманда "Ўзавтойўл" вакиллари 2016 йилда қилиниши лозим бўлган ишларга ҳам тўхталиб ўтишди. Жумладан, 2016 йил Инвестиция дастурига кўра, 512,9 км. автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадларга 1 трлн. 379,9 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Бу билан 176,3 км. автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилади, 6 та йўл ўтказгич, 10 та янги кўприклар қурилади.

Йиғилишда соҳага илғор технологиялар изчил жорий этилаётгани айтиб ўтилди. Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан қиш мавсумида кимёвий реагентдан фойдаланиш бўйича илмий ишлар олиб борилиб, Қамчиқ довонида синовдан ўтказилди. Синов натижаларига кўра, ушбу реагентнинг экологик тоза ва самарадор восита экани аниқланиб, уни амалиётга тадбиқ этиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди.

З. ШАРИФЖОНОВ

Олмазор тумани ҳокимлигида Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси ва бошқа манфаатдор идоралар ҳамда тадбиркорлар иштирокида бўлиб ўтган учрашув бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан солиқ қарзи мавжуд хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари масъулиятини янада оширишга бағишланди.

МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА ОШАДИ

— Бу каби учрашувлар пойтахтимизнинг барча туманларида ташкил этилди, — дейди Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг Солиқ қарзларини мажбурий ундириш бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Ражабов, — бундан кўзланган асосий мақсад Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида"ги Қарори билан бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумлар бўйича белгилаб берилган прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, унинг жадал ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Ушбу тартибда солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида амалга оширмаганлиги оқибатида ҳосил бўлган солиқ қарзларга қўлланиладиган мажбурий ундирув чоралари қўлланилиши натижасида корхоналар томонидан қўшимча харажатлар сарфланишига сабаб бўлиши тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилди.Йиғилишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳамда амалиётда учраётган муаммолар ва уларнинг ечими муҳокама қилинди.

— Корхонамиз радио ва электрон буюмлар, қандил идишлар ишлаб чиқаради, — дейди "Оникс" АЖ раҳбари Ботир Акбаров, — яқинда 120 млрд. сўмлик инвестиция асосида шиша идишлар ишлаб чиқарадиган қўшимча цех ташкил қилдик. Бу билан 200 иш ўрни яратилди, шу билан бирга, бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни ўз вақтида тўлаб боришга ҳаракат қиламиз ва албатта бу каби учрашувлардан ўзимизга тегишли хулосалар чиқарамиз.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва тадбиркорлар ўртасидаги бундай учрашув Яшнобод тумани давлат солиқ инспекциясида ҳам бўлиб ўтди. Солиқ тўловчилар билан ўтказилаётган бундай учрашувлар бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумлар бўйича белгилаб берилган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Қ.ЗОКИРОВ

ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ РАСМИЙ ШАРҲЛАШ

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ости ҳужжатлари сифатида қонун нормаларини амалга ошириш механизмларини аниқ белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Шу боис, бу каби ҳужжатларга расмий шарҳ беришда ҳам Адлия вазирлиги алоҳида ўрин тутади.

Биринчидан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги тасдиқланган буйруқ ёки қарорнинг қоғоздаги нусхаси ва электрон шакли ўн кун ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим қилиниши лозим. Иккинчидан, расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқ ёки қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилгандан кейингина ижрога юборилиши шарт. Учинчидан, расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқлар ёки қарорлар "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"да эълон қилинади.

Қонун ҳужжатларига кўра, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки мантиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга расмий шарҳ берилади. Расмий шарҳ ҳуқуқий нормалар мазмунини тушунтиришдан иборат бўлиши, аниқлаштирувчи қоидаларни ўз ичига олиши, мустақил аҳамиятга эга бўлмасдан расмий шарҳ берилаётган нормалар билан биргаликда амал қилиши шарт. Бу мақсадда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнидан фақат сўзма-сўз фойдаланишга йўл қўйилади. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунидан фарқ қилувчи ҳамда янги ҳуқуқий норма ҳосил қилувчи бошқа тушунча ва атамалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Юқоридаги Қонунга кўра, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш ваколати уларни қабул қилган органларга берилган. Шунга кўра, ҳужжатни қўллашда пайдо бўладиган зиддиятли вазиятларга баҳо беришда уларнинг ҳужжат матни билан алоқадорлигига аҳамият берилиши керак. Албатта, бунда расмий тил услубидан, грамматика ва юридик техника қоидаларидан бохабарлик, ҳуқуқий онг даражаси ҳам эътиборга молик бўлади.

Айтиш керакки, мантиққа зид ҳолатни ёки ноаниқликни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш доирасини кенгайтирадиган ёки қисқартирилган тарзда ёзма кўрсатма бериш билан ҳал қилишга уриниш қонун ҳужжатларига зид бўлади. Мазмуни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат нормасини аниқлаштириш ва тушунтиришга қаратилган бундай ёзма кўрсатма мансабдор шахс томонидан имзоланганда шарҳлашдан иборат расмий ҳужжат деб баҳоланади, бироқ у қонун ҳужжатлари талабларига амал қилинмаганлиги сабабли юридик кучга эга бўлолмайди.

Маълумки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда айрим ҳолатларда ундан юқори турадиган қонун ҳужжатларининг нормалари такрорланиши мумкин. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга шарҳ бериш зарурати юқори турадиган қонун ҳужжатлари нормаларига ҳам тушунтириш беришни тақозо қиладиган ҳолатларда тегишли органга мурожаат қилиниши керак.

Бундан ташқари, назаримизда, тадбиркорлик соҳасига оид идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда аниқланган ноаниқликни расмий шарҳ бериш орқали бартараф этишда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойилидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни расмий шарҳлашда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш ҳуқуқий тартибга солишни тизимли равишда ташкил қилишга ҳамда қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Ойбек ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

Тошкент шаҳар ҳокими
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН УНДИРИБ ОЛИНАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ МИҚДОРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сонли қарорига ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 йил, 17-сон, 131-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2016 йил 8 январдаги 1-сонли ҳамда 2016-1-сонли қарори ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2016 йил 18 январь, 2-сон, 22-модда) билан "Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари" (2016 йил 14 январда 2751-сон билан рўйхатга олинган) тасдиқланганлигини инобатга олиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидагилар:

Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимларнинг миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

"Iste'molda bo'lgan transport vositalari va ehtiyot qismlar Sergeli bozori" масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириб олинадиган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари ва "O'rikzor savdo kompleksi" масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириб олинадиган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари 1.1 ва 1.2-иловаларга мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплексларида инвентарларини ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларининг миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг миқдорлари 3-иловага мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун ундириладиган тўлов миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти (Р.Абдумажитов), Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими (З.Мавлонов), Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси (Ш.Шоахмедов), "Тошбозорсавдо" уюшмаси (С.Нематуллаев):

Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, тўловлар, ижара ҳақи тўловлари ва кўрсатиладиган мажбурий хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш бўйича белгиланган тартибда зарур тадбирлар ўтказилишини таъминласин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 24 февралдаги "Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида"ги 161-сонли қарори (3-бандидан ташқари) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор "Вечерний Ташкент" ва "Тошкент оқшоми" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Қарор расман эълон қилингандан уч ой муддат ўтгач кучга киради.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуаси котибияти мудири И.Алимов ҳамда Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Р.Абдумажитов зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2016 йил 16 март

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

ДАВРАЛАРНИНГ ФАЙЗИ, ҚАЛБИМИЗНИНГ АРДОҒИ

Ҳар сафар баҳорни муштоқ бўлиб кутамиз. Бу фаслда табиат уйғонади. Қир-адирлар яшилликка, дов-дарахтлар гулга бурканади. Кўклам бу гал ўлкамизга ҳар йилгидан эрта келди. Халқимиз, шаҳримиз нуронийлари янгиланиш ва яшариш байрамини яхши ниятлар билан нишонлаш тараддудида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 февралдаги "2016 йилги "Наврўз" умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига кўра "Нуроний" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ўзининг тадбирлар режаси бўйича шу кунгача бир қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жамғармамиз жамоаси ҳамда унинг туманлардаги барча бўлинмалари Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш учун шаҳримизнинг маҳаллалари, мактаб-лицейлари, коллеж ва олий ўқув юртлари, турли ташкилотларда ўтказилаётган тадбирлар, давра суҳбатлари, икки, уч авлод учрашувларида миллий қадриятларимиз, ўзбекона эрксеварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, иззат-ҳурмат хислатларини янада бойитиш, ёшларни она Ватанга, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Яқинда пойтахтимизда Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган умумхалқ ҳашарида ҳам кексаларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Улар жойларда ўтказилган хайрия ҳашарларида ёшларга ўрнак бўлишди.

Шу куни шаҳримизда ўтказилган ҳашарда 1 115 154 фуқаро қатнашиб, уларнинг 724 913 нафари ёшларни ташкил этди. Ҳашар муносабати билан шаҳримизнинг барча туманлари ҳудудида жойлашган 70 та қабристонлар, 10 та зиёратгоҳ ободонлаштириш билан бирга 32 219 та манзарали, 59 308 та мевали кўчатлар ва 195 928 та гул кўчатлари экилиб, 214 174 та дарахтларга шакл берилди.

Бундан ташқари ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг 555 тасининг уй-жойлари таъмирланиб, бунга 67 116,7 сўм маблағ сарфланди, 1581 нафар моддий ёрдамга муҳтож оилалар, ногирон ва ёлғиз қариялардан 429 кишига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Юқорида кўрсатилган моддий ёрдам ҳамда қўллаб-қувватлаш ишларининг барчаси туманлардаги "Маҳалла" фондлари, саховатпеша ҳомийлар, корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилди.

"Нуроний" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими "Соғлом она ва бола" йилида нишонланадиган Наврўз умумхалқ байрами билан барча шаҳримизнинг аҳолиси, давраларга файз киритиб келаётган нуроний отахон ва онахонларни қизғин табриклайди. Жорий йилда олдимизда муҳим ва масъулиятли ишлар турибди. Умид қиламизки, бу ишларни ҳамкорликда давом эттириб, кексаларни хушнуд этиш ҳамиша эътиборимизда бўлади.

Маҳамаджон ЗУФАРОВ,
"Нуроний" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси



Астрономик қонуниятларга кўра, ернинг Шимолий ярим шарида баҳорги кеча билан кундуз тенг келган кундан ёзги Қуёш турғунлигигача, яъни, кундузи энг узоқ, кечаси энг қисқа кунгача давом этади. Бу 20-21 мартдан 21-22 июнгача бўлган фурсатдир. Айтишларича, баҳорнинг ўша биринчи кунида ер остида ётган илонлар ҳам бир ағдарилиб олар эмиш. Бу табиатнинг, она ер бағридаги жами махлуқот ва мавжудотнинг чиндан уйғониш, жонланиш давридир.

ҲАР ТУНИНГ ҚАДР ЎЛУБОН, ҲАР КУНИНГ ЎЛСИН НАВРЎЗ!

Маълумки, Навоий жами олтита достон яратган. Уларнинг бештасини "Хамса" ташкил этади. Ўз умрининг сўнгги йилларида эса улуғ шоир олтинчи маснавийси – "Лисон ут-тайр"ни битганди. Ана шу достонларнинг барчасида Наврўз тилга олинган. Шу сабабдан ҳам Наврўз ҳақида гап кетганида ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг гўзал бир сатри, ҳамиша оҳорли бир тилаги беихтиёр ёдга тушаверади:

Эй юзунг боғи насимида
ҳавойи наврўз,
Лаъли тожинг бўлуб ул
боғда бўстонаврўз.
Зулфи рухсор ила комимға
мени еткурсанг,
Ҳар тунинг қадр ўлубон,
ҳар кунинг ўлсин наврўз!

Ёзма манбаларда Наврўзнинг қадийлигига ишора этувчи кўп ривоятлар мавжуд. Наврўз ҳақидаги энг тўлиқ манбалар Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Абулфазл Байҳақийнинг "Масъуд тарихи" асарида, Умар Хайёмнинг "Наврўзнома" рисоласида ёзиб қолдирилган. Айрим маълумотларга кўра, Наврўзни байрам қилиш Аҳмонийлар давридан (милоддан аввалги 558-330 йиллар) бошлаб одат тусига кирган.

Олимларнинг асосланган фикрларига кўра, қуёш айни шу куни нурларини тик, яъни 90 даража бурчак ҳосил қилиб, сайёрамизнинг қоқ белига, яъни, экваторга йўналтиради. Шу дақиқаларда баҳорги кеча-кундуз тенглашади ва 22 мартдан бошлаб қуёшнинг тик йўналган нури шимолий тропик чизиғи томон ҳаракатланади.

Қуёш ва Ойнинг суткалик ҳаракатлари шарқдан ғарбга томон кузатилиб, юлдузлардан фарқли ўлароқ, уларнинг чиқиш ва ботиш нуқталари ҳамда максимал баландликлари кун сайин ўзгариб боради. Хусусан, қуёш Наврўзда (21 мартда) аниқ Шарқ нуқтасидан кўтарилиб, аниқ Ғарб нуқтасига ботгани ҳолда, кейин унинг чиқиш ва ботиш нуқталари шимол томонга силжиб боради. Бундай ҳол 22 июнгача давом этиб, сўнгра чиқиш ва ботиш нуқталари аксинча, горизонтнинг жануб томонига силжийди. Бу даврда Қуёшнинг туш пайтидаги баландлиги пасая бориб, кундуз қисқаради, тун эса, аксинча, узаяди.

"Ҳамал кирди – амал кирди" донишманд халқимизнинг доно сўзларидан англашимиз қийин эмас, айнан Наврўз киргач, биринчи галда деҳқончилик, экин-тикин ишлари бошланиб кетади. Ҳамал – шамсий йил ҳисобида йилнинг биринчи ойи бўлиб, 22 мартдан 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олади. Маълумки бу даврда "қиш уйқусидан уйғонган табиат" аста-секин чирой оча бошлайди, дарахтлар куртак отиб, ўсимликлар, ўт-ўланлар ўса бошлайди. Чунончи, бодом, ўрик, олча биринчилардан бўлиб қийғос гуллайди.

Шафтоли ғунчалари бирин-кетин очила бошлайди, тут, тол, гилос, олма ва бошқа дарахт шохлари кўкимтир товланиб қолади. Далалар, қир-адирлар, тоғлар фусункор манзара касб эта бошлайди, ўт-ўланлар гуркираб ўсади, лалмикор ерларда майсалар мавж уради, ҳамма ёқни зумрад поёндозлар безайди, чучмома, бўтакўз, қоқи каби юзлаб гулчечаклар очилади. Сал кейинроқ қизғалдоқлар алвони бу латофатни яна ҳам оширади.

Наврўзда боғ-роғларни тартибга солиш, далаларни экишга тайёрлаш, ариқ-зовурларни тузатиш, уруғлик, ўғит ва кўчатларни ҳозирлаш, дала шийпонлари, асбоб-ускуналар ва бошқаларни кўздан кечириш ишлари амалга оширилади. Ҳудудларда йўлка ва хиёбонлар, кўча-кўй, чойхона, болалар боғчалари, мактаблар, стадион, спорт майдончалари, гузарлар, ҳовли-жойлар тартибга келтирилади, ёрдамга муҳтож инсонларга сидқидилдан ёрдам берилади. Шаҳар ва қишлоқлардаги қабристонлар, тарихий-маданий ёдгорликлар таъмирига эътибор берилиб, дов-дарахтлар буталади. Хонадонлар тартибга солиниб, умумхалқ ҳашарлари ўтказилади.

Халқимиз азалдан барча тўй ва шодиёналарни алоҳида тараддуд, катта тайёргарлик билан қарши олади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартда қабул қилинган фармойиши асосида бу борадаги ишлар уюшқоқлик билан ташкил этиляпти.

Март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Шунга мос равишда шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Унинг доирасида 12-13 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари эса боқий байрам – Наврўз умумхалқ байрамига муносиб тараддуд кўриш, халқимиз орасида ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилаётгани билан эътиборлидир.

Дарҳақиқат, тинч юртга байрамлар ярашади. Шарқ халқларининг шукуҳли айёми – Наврўз узоқ мозийдан бугунга қадар етиб келган азиз ва муқаддас маънавий қадриятлардан бири, асл байналмилал байрамдир. Ушбу кунни Миср, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Озарбайжон, Баҳрайн, Ливан, Покистон, Тожикистон, Туркия, Албания, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва бошқа ердаги форсий ҳамда туркий миллатлар байрам сифатида нишонлайдилар.

Одатда, Наврўз байрами, сайли ва тантаналари иштирокчилари дини, миллати ва ижтимоий ҳолати, уларнинг қайси ирққа мансуб эканлиги сираям ҳисобга олинмайди. Шу маънода 1966 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 21 мартни "Халқаро ирқий камситишларни тугатиш учун кураш куни" деган номи билан эълон қилганлигидаям ўзига хос улкан рамзий маъно бор.

Дунё қўнғироғи 21 март курраи замин миқёсида "Она сайёра куни" сифатида ҳам нишонланади. Ушбу кунда БМТ Бош Ассамблеяси қарорига бинoан ҳар йили баҳорги тенг кунлик муносабати билан Дунё қўнғироғи жаранглайди. Демак, эзгуликка эш бўлган айём – Наврўз аслида фақат Шарқ халқларинингина эмас, юқорида қайд этилганидек, юридик жиҳатдан ҳам бутун инсоният, башариятнинг боқий байрамига айланган.

ЮНЕСКО томонидан 2009 йил 30 сентябрда Наврўз инсониятнинг номоддий буюк мероси сифатида рўйхатга олинди ҳамда дунё аҳли томонидан асраб-авайлаб катта тантана қилинмоқда.

Ушбу кун шарафига катта сайиллар ўтказилиб, эл-улус фусункор табиат қўйнида дастурхон ёзиб, зиёфатлар уюштирган, сумалак ва турли баҳор таомлари пиширилиб, муҳтожларга хайру эҳсон қилинган. Ўйин-кулгу ва спорт мусобақалари ташкил этилган. Хусусан, юртимизда лола сайли, аскиябозлар гурунги, қизиқчилар томошалари, кураш, лапар, ашула ва рақс танловлари, тез айтиш ва топишмоқ ўйнаш, оловдан сакраш, кўпкари, от пойгаси ва бошқа миллий халқ ўйинларининг ўтказилиши Наврўзга ҳусн бағишлайди, байрам қатнашчиларига эстетик ҳузур беради. Кўклamнинг кўркам айёми кишиларга кўтаринки кайфият, яхши руҳият беради. Қишдан кейинги "илик узилди" пайтидаги ичилиқ тўла қувватдан иборат баҳорий таомлар – бир пиёла сумалагу тўрт қошиқ ҳалимнинг, ялпиз, исмалоғли кўк сомсаю чучваранинг ҳаётбахш кучини таърифлаб бўлармикан?

Манбаларда ёзилишича, Наврўз куни етти хил таомдан ейиш мустаҳаб – севилган амаллардан саналар экан. Шу боис, қуйидаги етти хил емак дастурхонларимизда бўлиши мақсадга мувофиқдир: олма, сомса, сумалак, жийда, сирка, сариёғ ҳамда пишлоқ. Улар билан дастурхонимизни нафақат безатамиз, балки шундай қилишимиз келгуси йил Наврўзгача шу таомларнинг узилмаслигини таъминлашдан ташқари, тиббий жиҳатдан ҳам фойдали хусусиятлари мўл экан.

Қадимий қадриятлар жамланган Наврўзимиз кўп ва хўп улуғ, хусусан, хосиятларга эга бўлган айёмдир. Халқимизнинг турмуш тарзи, миллий руҳи, санъатнинг ажойиб шакллари ва турлари, ҳар хил мусобақалар билан диққатэътиборни ўзига жалб этувчи бу байрам маънавий турмушимизни бойитишга, англашга, элимизнинг гўзал анъаналарини асраб-авайлаш ва сақлашга холис хизмат қилмоқда.

Уни тантанали ўтказиш униб-ўсиб келаётган авлодни жисмонан ҳамда маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда, халқимиз ижодиётининг жуда яхши намуналари мисолида улар дунёқарашини шакллантиришда ҳамда миллий ўзликни англашда катта аҳамият касб этаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Умар ЎЗБЕК

Байрамлар арафасида мамлакатимиз бозорларида савдо ярмаркалари ташкил этиш яхши анъанага айланган. Баҳорнинг илк кунларида очилган шундай ярмаркалар Наврўз дастурхонига файз бағишламоқда.





БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА ТАНСИҚ ТАОМЛАР

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аграр тармоқда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилгани самарасида мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик изчил ривожланмоқда. Ўтган йили юртимизда 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Бу йил давомида аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда.

Бундай тўкинлик ва арзончилик пойтахтимизнинг "Эски жўва" деҳқон бозоридаги байрам ярмаркасида намоён. Унда юртимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар харидорларга тақдим этилаётир. "Самарқанд парранда", "Янгийўл сут", "Браибонти" масъулияти чекланган жамиятлари, "Тутзорнон" хусусий фирмаси, "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалиги каби етакчи ишлаб чиқарувчилар сархил маҳсулотлари билан бозор файзини янада оширмоқда.

– Мақсадимиз маҳсулотларимизни халқимизга арзон ва сифатли тарзда етказиб бериш, – дейди Чилонзор туманидаги "Браибонти" масъулияти чекланган жамияти вакили Алишер Каримов. – Замонавий технологиялар асосида тайёрланган ўн икки хилдаги макаронларимиз кўпчиликка манзур бўлаётгани боис савдомиз яхши.

– Бозорларимизда сархил мева-сабзавотларни арзон нархларда, саралаб харид қилиш имконияти мавжуд, – дейди шайхонтоҳурлик харидор Ҳожимурод Алимуҳамедов. – Байрам ярмаркасидан сут маҳсулотлари, мева-чева харид қилдим. Маҳсулотлар сифатли, нархи ҳам арзон. Буларнинг барчаси байрамнинг файзли ўтишига хизмат қилади.

Байрам ярмаркасидаги маҳсулотлар орасида сумалак ҳам борлиги кўпчиликнинг диққатини тортмоқда.

– Биринчи мартдан буён эл дастурхонига сумалак тақдим этаётирмиз, – дейди хусусий тадбиркор Сирож Баҳроноv. – Биласиз, сумалак тайёрлаш осон эмас. Яна кўп миқдорда. Бозор маъмурияти керакли шароитларни яратиб бергани боис, ишчиларимиз тотли сумалак тайёрлаб, аҳолига тақдим этмоқда. Ундирилган буғдой майсаларига ҳам харидор кўп.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳар деҳқон бозорларини тартибга солиш, санитария ҳолатини яхшилаш, асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархини барқарор сақлашни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар режаси асосида ташкил этилган ушбу ярмаркалар 5 апрелга қадар давом этади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Диққат, танлов давом этмоқда!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА "ОЛТИН ҚАЛАМ" XI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3-май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2015 йилнинг 31 мартидан 2016 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.

Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

энг яхши фоторепортаж;

энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, "Олтин қалам" статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, танловда республикамиздаги бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари қуйидаги рағбатлантирувчи номинацияларда ўз мукофотларини таъсис этганлар:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси – "Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар фаолияти ёритилган энг яхши материаллар учун".

2. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши – 2 та номинация:

а) "Соғлом она ва бола йили" мавзуидаги энг яхши материал учун".

б) "Ижтимоий шериклик мавзуидаги энг яхши материал учун".

3. Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди – 2 та номинация:

а) "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини кенг ва самарали ёритгани учун".

б) "Энг яхши таҳлилий-танқидий материал учун".

4. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси – "Орол денгизи ҳудудининг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг роли".

5. БМТнинг Ахборот офиси – "Энг яхши ёшлар интернет нашри"

6. "Ҳудудий мулоқот" (Словения) – "Қонун устуворлиги ёритилган энг яхши материаллар учун".

7. ЮСАИДнинг Ўзбекистонда сил касаллигига қарши кураш бўйича дастури – "Сил касаллигига қарши кураш масалалари ёритилган энг яхши материаллар учун".

8. Германия Халқ университетлари DVV International халқаро ассоциациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси – "Катталарни ўқитиш ва таълим бериш соҳасида ОАВдаги энг яхши материал учун".

Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

Муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);

муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2016 йил 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни "Туркистон" саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават.

Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87

www.Journalist.uz

Реклама ўрнида

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

"Асака" банк ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ жамоаси Сизларни яқинлашиб келаётган НАВРЎЗ байрами билан қутлайди ва қуйидаги миллий валютадаги (сўмда) янги муддатли омонат турини таклиф этади:

"НАВРЎЗ 2016"

Сақланиш муддати – 18 ой, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан (18 ойдан) сўнг тўлаб берилади.

Мурожаат учун: "Асака" банк Тошкент шаҳар филиалининг телефонлари: 120-83-86, 120-83-35.

"Асака" банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган

IPOTEKA BANK

Сизни баҳор байрами Наврўзи олам билан муборакбод этамиз.

Ушбу айём ҳар бир хонадонга тинчлик ва бахт олиб келсин.

Хизматлар лицензияланган

Assalom, Navro'z!

Aziz yurtdoshlar!

Navro'z ayyomingiz qutlug',
Vatanimiz ravnaqi yo'lidagi
ishlaringiz hayrli bo'lsin!

Bayramona kayfiyat
Sizni hech qachon tark etmasin!

"Hamkorbank" ATB jamoasi

0-800-1-200-200
www.hamkorbank.uz

HAMKORBANK
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

Xizmatlar litsenziyalangan

AGROBANK

Барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий муборакбод этамиз. Наврўз оилангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик ва бахт-омад олиб келсин.

"Агробанк" ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган "Мобиль савдо" тизими орқали уяли телефонингиздан маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни содда ва тез амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.


CLICK mobilsavdo sodda va tez to'lov AGROBANK

Мобиль савдо белгиси мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган

Реклама ўрнида

СЕРҚУЁШ ДИЁРИМИЗ АҲЛИНИ ҲАМИША ГЎЗАЛ ВА НАВҚИРОН НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙМИЗ.



"KISHMISH SAVDO" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

KAPITALBANK
МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!



"Капиталбанк" АТБ жамоаси юртдошларимизни янгиланиш ва баҳор рамзи бўлган Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади! Наврўз барчамизга хуш кайфият, тинчлик-хотиржамлик ва қувонч олиб келсин!

"ТОШКЕНТШАҲАРГАЗТАЪМИНОТ" УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ "ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ!

Шу фурсатдан фойдаланиб қуйидагиларни эслатиб ўтамиз:

–газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг;
–газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларида тумангаз мутахассислари хизматидан фойдаланинг;
–агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз авария диспетчерлик хизматларига
Миробод тумани — 254-15-61, М.Улуғбек тумани — 267-46-24,
Чилонзор тумани — 278-09-99, Яшнобод тумани — 296-39-61,
Яккасарой тумани — 255-49-59, Шайхонтоҳур тумани — 242-39-26,
Юнусобод тумани — 212-52-25, Олмазор тумани — 248-35-48,
Сергели тумани — 258-84-33, Учтепа тумани — 274-44-34,
Бектемир тумани — 295-14-43) ёки
"Тошкентшаҳаргаз" марказий авария-диспетчерлик хизматига 104;
255-44-27, 255-44-29, 253-56-19, 253-56-31 телефонлари орқали мурожаат қилинг.

Ҳурматли истеъмолчилар, газ ҳисоблагичларни ўз вақтида, яъни аҳоли хонадонларидаги газ ҳисоблагичларни ҳар тўрт йилда, корхоналардаги газ ҳисоблагичларни эса ҳар икки йилда давлат кўригидан ўтказишни унутманг.
Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш — газ ускуналари ва қувурларини мунтазам текшириб созлаш ва таъмирлаш учун имконият яратади.
Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик тарк этмасин, ҳамиша хурсандчилик ва байрамона кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!

Ҳизматлар чегирмалашган

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2016 йил 1 апрелдан бошлаб электр энергияси тарифлари ошганлигини маълум қиламиз. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 2016 йил 16 мартдаги № 19-03-22-06- ЎзР-6-2016-сонли реестри.

Аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт. соат электр энергиясининг нархи 182 сўм 00 тийин;

Ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 91 сўм 00 тийин этиб белгиланди.

"TOSHKENT SHAHAR ELEKTR TARMOQLARI KORHONASI" AJ МАЪМУРИЯТИ

Чилонзор тумани, 20-мавзе, 24-уй, 68-хонадон эгаси Дадажонов Дилмурод Абдуахатовичга тегишли бўлган уй дафтари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АҲОЛИ ВА УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкентгазтаъминот" УКнинг "Тошкентшаҳаргаз" филиали табиий газ учун нархларнинг 2016 йил 1 апрелдан ўзгариши ҳақида маълум қилади.

ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ЧАКАНА НАРХЛАР (АҲОЛИ):

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 16 мартдаги
РЕЕСТРИ № 19-03-22-06-ЎзР-7-2016
2016 йил 1 апрелдан жорий этилади

УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Ушбу прейскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга тааллуқлидир.

2. Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан уй ва квартираларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортиқ ёки кам қилиб белгиланган тақдирда газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчи (абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситгич бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.

4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй (квартира)ларда фойдаланилган газ учун тўловлар ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прейскурантда белгиланган тариф бўйича тўланади.

5. Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан вақтинча яшаётганлар ҳам ҳисобга олинади.

6. Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлаклар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терраса, ойнаванд балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.

7. Прейскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 куб метр қилиб белгиланган.

Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда (43м³/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажми учун эса бир ярим баравар миқдорида тўланади.

8. Автоном сув иситгич ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ва оранжереяларни иситиш, якка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандир, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечаю кундуз ишлаган газ ёқиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсумига тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.

9. Ушбу прейскурантнинг "Умумий кўрсатмалар"и, агар қўшимча прейскурантда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прейскурантларга ҳам тегишлидир.

10. Ушбу чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган (2015 йил 15 сентябрдаги, реестр № 19-03-22-05-ЎзР-92-2015) нархлар ўрнига 2016 йил 1 апрелдан жорий этилади.

*1. АҲОЛИ ТОМОНИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР *)*

Т/р	Номи	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги тарифи (сўм)
1.1.	Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м³	2 260,00
1.2.	Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ:			
	- овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	-«-	10 м³	3 908,30
	- иситиш учун	-«-	10 м³	1 812,50

2. ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ ЙЎҚ ҲОЛАТДА КОММУНАЛ-РЎЗҒОР ЭҲТИЁЖЛАРИГА ИШЛАТИЛАДИГАН ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР (ГОСТ 5542-87)

Т/р	Истеъмолчи тавсифи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги бўйича тариф тўлови (сўм)	
			Йиллик *):	Ойлик
2.1.	Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти бор уйларда овқат пишириш газ плиталари	Бир яшовчидан 11,0 м³	51 589,80	4 299,15
2.2.	Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларда овқат пишириш газ плиталари	-«- 15,0 м³	70 349,40	5 862,45
2.3.	Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситгичлар	-«- 16 м³	75 039,60	6 253,30
2.4.	Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар уй ва квартираларни бешойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига:	Иситиладиган хонанинг 1 м³ учун		
	- Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Хонанинг 1 м³ учун 6,0 м³	5 437,50	1 087,50
	- Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда	Хонанинг 1 м³ учун 5,76 м³	5 220,00	1 044,00
2.5.	Дағал ва илдизмевали озуқаларни буғлаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда ҳайвонларга озуқа тайёрлаш	Бир бош:		
		отга 5,6 м³	26 263,80	2 188,65
		сигирга 23,7 м³	111 151,80	9 262,65
		қўй (эчки)га 2,2 м³	10 318,20	859,85
		чўчқага 12,5 м³	58 624,80	4 885,40

*) Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.

Эслатма: Чакана истеъмолчилар (аҳоли) томонидан 2016 йил 1 апрелгача сарфланган газ ҳақи ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича 2016 йил 10 апрелгача эски тариф (1 м³ – 208,92 сўм) ҳисобида тўланади. 2016 йилнинг 1 апрелидан бошлаб сарфланган газ ҳақи тўлови янги тариф (1м³ - 226,00 сўм) бўйича амалга оширилади.

УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА (ШУ ЖУМЛАДАН ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИГА) ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН ТАБИИЙ ГАЗНИНГ УЛГУРЖИ НАРХИ:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 16 мартдаги РЕЕСТРИ №19-03-22-06-ЎзР-8-2016

2016 йил 1 апрелдан жорий қилинади

Товарнинг номи ва қисқача техник таснифи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги бўйича улгуржи нарх (қўшимча қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, сўм)
Улгуржи истеъмолчиларга (шу жумладан иссиқлик таъминоти корхоналарига) етказиб бериладиган табиий газ	1000 куб метр	226 000

Эслатма:

1. Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.

2. Улгуржи истеъмолчиларга табиий газнинг улгуржи нархи унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар ягона ҳисобланади.

3. Мазкур реестр жорий қилиниши билан, 2015 йилнинг 15 сентябридаги 19-03-22-05-ЎзР-91-2015 сонли улгуржи истеъмолчилар (шу жумладан иссиқлик таъминоти корхоналар) учун табиий газнинг улгуржи нарх реестри ўз кучини йўқотади.

"Тошкентгазтаъминот" УКнинг "Тошкентшаҳаргаз" филиали

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида 2016-2017 йилларда иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида:

— 2016 йилнинг 22 мартидан 28 мартигача иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегаралаш билан иссиқлик тармоқлари юқори ҳароратда синовдан ўтказилади;

— 2016 йилнинг 30 мартидан 22 апрелигача иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик чидамлилиги ва пишиқлилиги (юқори босимда) синовдан ўтказилади.

Иссиқлик манбаларининг амал қилиш зоналари манзилий рўйхати:

1-ИМ (М-1,4)

5 апрель – босим билан текшириш (опрессовка) — Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Осиё, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент, Тамарахоним тор кўчаси кўчалари, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 турар жой мавзелари, Тош ГРЭС поселкаси, Ҳамид Олимжон майдони.

2-ИМ

12 апрель босим билан текшириш (опрессовка) — Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш. Бурхонов, Р. Ҳамроев, Салом кўчалари, Қорасув - 1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой даҳалари, Геофизиклар поселкаси.

3-ИМ (М-1,4)

4 апрель босим билан текшириш (опрессовка) — Бунёдкор шоҳ кўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, Қоратош, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, Маннон Уйғур, Шифонур, Зиё, Қорақамиш кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч, М-10,11,13,14, М-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш 2/1,2/2 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0,1)

30 март босим билан текшириш (опрессовка) — Амир Темур шоҳ кўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк кўчаси, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Нурафшон, Қорақамиш, Қорақамиш 1-кўчаси кўчалари, М-1,5,6,12,15, М-17,18 (Себзор) Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4, 2/1,2/2,2/5 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)

1 апрель босим билан текшириш (опрессовка) — Амир Темур шоҳ кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари, Юнусобод 1÷19 мавзелари.

5-ИМ (М-0,4)

13 апрель босим билан текшириш (опрессовка) — Чилонзор 5÷12, Г9А, 16÷20, 24÷26, Ц, 20А мавзелари, Дўмбиробод, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий — 1,2 турар жой мавзелари, Заргарлик, Қатортол, Гулистон, Муқимий, Боғистон, Фарход, Чўпонота, Боғибўстон, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин кўчалари.

6-ИМ

24 март — юқори ҳарорат 11 апрель – босим билан текшириш (опрессовка) — Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлиқ, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлиқ — 1ч7, Қўйлиқ — Айланма турар жой мавзелари.

7-ИМ

23 март — юқори ҳарорат 14 апрель – босим билан текшириш (опрессовка) — Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Оҳангарон шоссеси, Тузел -1,2,3,4, ДСК-1, Асалобод — 1,2, Авиасозлар турар жой даҳалари.

8-ИМ

23 март — юқори ҳарорат 31 март – босим билан текшириш (опрессовка) — Сергели 1÷8А, Йўлдош — 8,15,16,17, Дўстлик — 1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, Меҳригиё, Сўғдиёна, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

9-ИМ

24 март — юқори ҳарорат 6 апрель – босим билан текшириш (опрессовка) — Чилонзор 9, Г9А, 10, 13÷15, 15А, 21÷25, 30,31 мавзелари, Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон, Изза турар жой мавзелари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа, Кичик ҳалқа йўли, Фозилтепа кўчалари.

10-ИМ

24 март — юқори ҳарорат 12 апрель – босим билан текшириш (опрессовка) — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо, Қорақамиш 1-кўчаси, Шифокорлар 2-кўчаси кўчалари, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш — 2/3, 2/4, Бешқўрғон — 1,2,3,4, Қамарнисо, НУУз — ТашГТУ, Олимпия, Ибн Сино 1,2, Белтепа даҳаси, Шифокорлар шаҳарчаси.

ИЭМ (М-0)

25 март — юқори ҳарорат 22 апрель – босим билан текшириш (опрессовка) — Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор 1÷5, Е, И мавзелари, М-7 турар жой мавзелари.

ИЭМ (М-5,8)

28 март — юқори ҳарорат 8 апрель – босим билан текшириш (опрессовка) — Амир Темур шоҳ кўчаси, Навоий, Бобур, Глинка, Афросиёб, Қумариқ, Я. Ғуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиқлол, С.Азимов, Саида Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус, Гейдар Алиев, А. Қаҳҳор, Олтин водий, Фидокор кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5,7 турар жой даҳалари.

"Водник" қозонхонаси

22 март — юқори ҳарорат 31 март – босим билан текшириш (опрессовка) — "Сувсоз" турар жой мавзеси доирасида, Ҳусайн Бойқаро кўчаси.

"Саноатэнерго" қозонхонаси

6 апрель – босим билан текшириш (опрессовка) — "Қурувчи" турар жой мавзеси.

"Саноатэнерго" қозонхонаси таъсир доирасида 6 апрель куни иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиётқор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз, 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Қуйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ режали баҳорги тўхтатиш мўлжалланмоқда.

Тўхташ даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишлари таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

1- ИМ	"Шимоли-Шарқий"	11 дан — 15 апрелгача
2- ИМ	"Қорасув"	25 дан — 29 апрелгача
3- ИМ	"Ғарбий"	11 дан — 15 апрелгача
4- ИМ	"Шимолий"	4 дан — 8 апрелгача
5- ИМ	"Чилонзор"	10 майдан — 14 майгача
6- ИМ	"Жануби-Ғарбий"	18 дан — 22 апрелгача
7- ИМ	"Авиасозлар"	25 дан — 29 апрелгача
8- ИМ	"Сергели"	25 дан — 29 апрелгача
9- ИМ	"Янги-Чилонзор"	18 дан — 22 апрелгача
10-ИМ	"Шимоли-Ғарбий"	18 дан — 22 апрелгача
"Водник"		18 дан — 22 апрелгача
"Саноатэнерго"		11 дан — 15 апрелгача
ТошИЭМ М-0		2 дан — 6 майгача
ТошИЭМ М-5,8		11 дан — 15 апрелгача

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 6-Давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби маъмурияти 2016-2017 ўқув йили учун қуйидаги фанлар бўйича танлов асосида бўш иш жойлари (иш ўринлари)га

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

1.Инглиз тили ва математика (таълим рус ва ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар учун).

2.Физика (таълим рус тилида олиб бориладиган синфлар учун).

3.География ва биология (таълим рус тилида олиб бориладиган синфлар учун).

4.Тасвирий санъат ва чизмачилик (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфлар учун).

5.Рус тили ва адабиёти (таълим рус тилида олиб бориладиган синфлар учун).

6.Тарих (таълим рус тилида олиб бориладиган синфлар учун).

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 2-мавзе, 46-уй.

Телефон: 258-24-64, 257-82-07.

Меҳр-шафқат касб-ҳунар коллежи ошхонасини ижарага бериш бўйича тендер

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб, ўн кун давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, В.Воҳидов кўчаси, 116-уй.

Тел: 254-05-89.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 21

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Алпомиш". Б/ф. 1-қисм.
8.00 "Таҳлилнома".
8.40 "Наврўз тантанаси".
9.30 "Иқлим".
9.40 "Яшариш фасли".
10.00 "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин! Наврўз шукуҳи".
10.10 "Суюнчи". Б/ф.
13.30 "Ажабқишлоқ ҳангомалари".
13.50 "Инспектор Гажет-1". Б/ф.
15.00 "Имкон-шоу".
15.50 "Инспектор Гажет-2". Б/ф.
17.30 "Биз киммиз?"
17.50 "Узингдан қўймасин".
18.00 "Вельвет галереяси". Т/с. 1-фасл якуни.
18.50 "Наврўз шукуҳи".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с. Премьера.
20.20 "Дугоналар".
21.10 "Ўхшайди-ку!"
22.00 "Давр".
22.30 "Вельвет галереяси". Т/с. 2-фасл.
23.20 "Мўъжизавий дунё".
00.10 "Илҳом қанотлари".
2.10 "Янги "Ҳандалак".
2.40 "Шарқ гавҳари".
5.30 – 6.00 "Давр".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Чимилдиқ". Б/ф.
7.30 "Қизлар мактаби".
8.00 "Ош бўлсин!"
8.30 "Учрашув". Б/ф.
9.40 "Наврўз нафаси".
10.00 "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин! Наврўз шукуҳи".
12.00 "Наврўз шукуҳи".
12.10 "Суюнчи". Б/ф.
13.30 "Ажабқишлоқ ҳангомалари".
13.50 "Инспектор Гажет-1". Б/ф.
15.00 "Имкон-шоу".
15.50 "Инспектор Гажет-2". Б/ф.
17.30 "Биз киммиз?"
17.50 "Узингдан қўймасин".
18.00 "Вельвет галереяси". Т/с. 1-фасл якуни.
18.50 "Наврўз шукуҳи".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с. Премьера.
20.20 "Дугоналар".
21.10 "Ўхшайди-ку!"
22.00 "Давр".
22.30 "Вельвет галереяси". Т/с. 2-фасл.
23.20 "Мўъжизавий дунё".
00.10 "Илҳом қанотлари".
2.10 "Янги "Ҳандалак".
2.40 "Шарқ гавҳари".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

"Ассалом, Наврўз!"
5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00 "Poytaxt".
6.20 "Тошкентнома".
6.35 "Наврўз Тонгги" ҳужжатли фильм.
6.55 "Тошкент вақти".
9.00 "Poytaxt".
9.15 "Санамжон".
10.00 "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!"
12.00 "Poytaxt".
12.15 "Байрам ошхонаси".
12.30 Миллий кино: "Ана холос".
13.45 "Байрам ошхонаси".
14.00 "Ассалом, Наврўз!" телемарафони.
18.00 "Poytaxt".
18.15 "Байрам ошхонаси".
18.30 "Poytaxt-reportaj".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Рангли телевизор".
19.45 "Байрам ошхонаси".
20.00 "Poytakht news".
20.10 "Тиллақош".
21.00 "Тошкент вақти".
21.50 "Телемаркет".
22.00 "Пойтахт". /Рус тилида/.
22.20 Миллий кино: "Новда".
00.05 "Наврўз сайли".
00.35 "Ҳикматли дунё". "Қалб".
1.20 "Poytaxt-reportaj".
1.35 "Бахт қўрғони".
2.00 "Poytaxt".
2.15 "Санамжон".
3.00 "Мен сизга айтсам".
3.45 "Пойтахт-культура".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.25 "Орзулар кемаси".
7.00 "Sport online".
8.00 Талқин.
8.30 Футзал. Осиё чемпионати.
10.00 "Ҳар кунимиз наврўз бўлсин!"
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 Sport online".
13.05 "Эътироф".
13.15 "Шоҳсупага йўл".
14.00 ХАБАРЛАР.
14.20 "Спорт сайёраси".
14.35 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.
15.45 "Миллий томошалар".
16.15 Теннис.
17.25 "Халқ ўйинлари".
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 "Болалар спорти".
19.25 "Rekord.uz".
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 ХАБАРЛАР.
20.55 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.
22.00 "Халқ ўйинлари".
22.25 Профессионал бокс.
23.25 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
00.05 Интерфутбол.
1.50 ХАБАРЛАР.
2.15 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
3.10 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.
4.15 "Миллий томошалар".
4.50 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Меҳрибоним".
6.35 "Мен сиздан шифо топдим".
7.00 Миллий кино. "Ярим бахт".
8.40 "Фотокўзгу".
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
9.35 "Чироғи ёниқ уй".
10.00 "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!"
12.00 "Юртимда Наврўз".
12.05 "Эзгу сўз эзгу амал".
12.55 Кун нафаси.
13.00 Миллий кино. "Катта ойи".
14.10 "Халқ виждони".
15.00 Миллий сериал. "Умидингни сўндирма".
15.30 "Ораста бекажон".
15.55 Кун нафаси.
16.00 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
16.30 "Юртимда Наврўз".
16.35 "Очиқ дарс".
16.55 "TV анонс".
17.00 "Қадр топган қадриятлар".
17.25 "Менинг маҳаллам".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "TV анонс".
18.05 "Бола бошидан". Давра суҳбати.
18.55 "Юртимда Наврўз".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
19.30 "Кун нафаси".
19.40 Ҳужжатли фильм. "Сўзана".
19.55 "Обод маҳаллада Наврўз".
21.00 "Кўнгилдаги гаплар".
22.20 Миллий кино. "Садоқат".
23.40 "Табиат шифохонаси".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Меҳрибоним".
00.35 "Иш билганга минг танга".
1.00 Миллий кино. "Катта ойи".
2.10 "Маҳалламиз спортчилари".
3.00 Миллий сериал. "Умидингни сўндирма".
3.35 "Идроқ харитаси".
4.00 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
4.30 "Юртимда Наврўз".
4.35 "Ён қўшним-жон қўшним".
5.05 "Фотокўзгу".
5.10 – 6.00 "Гузардаги гурунглар".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Болажон меҳмонхонаси".
9.00 "Мультипанорама".
10.00 "Наврўз томошаси".
10.50 "Болажон устахонаси".
11.00 "Болалар учун фильм".
12.00 "Кўзмунчоқ".
12.30 "Мультипанорама".
13.10 "Наврўз эртаги".
14.10 "Ширинтой-кичкинтойлар".
14.30 "Болалар учун фильм".
15.30 "Боғбон болажон".
15.50 "Миттивойлар оиласи".
16.10 "Таътил саргузаштлари".
17.00 "Табиатга саёҳат".
17.30 "Мультипанорама".
17.50 "Болажон ошхонаси".
18.00 "Болалар учун фильм".
19.10 "Болажонлар саҳнаси".
19.30 "Bravo English!"
20.00 "Мультипанорама".
20.50 "Сеҳрли қўллар".
21.00 "Қувноқ стартлар".
21.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Мафтунингман". Б/ф.
7.25 "Тилим қурсин". Б/ф.
8.55 "Тилим қурсин-2". Б/ф.
10.15 "Баракасини берсин". Б/ф.
11.35 "Чавандоз". Б/ф.
13.05 "Тоға". Б/ф.
14.30 "Бевалар". Спектакль.
16.10 "Мерсквич". Б/ф.
17.30 "Эркатой". Б/ф.
19.20 "Мен юлдузман". Б/ф.
20.45 "Арзанда". Б/ф. Премьера.
22.25 "Катта ҳовли". Б/ф.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Похождение Насреддина". Х/ф.
1.20 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Б/ф.
2.45 "Тўйдан олдин можаро". Б/ф.
4.35 – 6.00 Миллий сериал. "Чархпалак".

СЕШАНБА, 22

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Алпомиш". Б/ф. 2-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
9.15 "Кўнгил ободлиги".
9.35 "Иқлим".
9.45 "Кунларнинг бирида".
10.00 "Суҳбатдош".
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опасингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Шаҳарлик куёв". Теленовелла.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Кўрганларимиз ҳақида".
14.40 Миллий сериал: "Аммажоним – аммажон".
15.10 "Ҳаётдаги мен".
15.40 "Менинг боғим".
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Қорачиқ".
16.30 "Ахборот" (инглиз)
16.40 "Наврўз шукуҳи".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Тараққиёт таянчи".
17.25 "Агроолам".
17.40 "Монк". Т/с.
18.25 2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли риштлар".
18.45 Миллий сериал: "Опасингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги саробларида". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бизнес старт".
22.05 – 23.50 "Фарахбахш кун". Б/ф.
23.50 Миллий сериал: "Опасингиллар".
00.30 2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли риштлар".
00.50 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Чеча". Спектакль. 1-қисм.
3.15 "Ватанпарвар".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
5.10 "Агроолам".
5.30 – 5.55 "Бизнес старт".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Тақдир". Б/ф.
7.30 "Ош бўлсин!"
8.00 "Қизлар мактаби".
8.30 "Жек ва ловия пояси". Т/с.
9.20 "Эъзоз ва эҳтиром".
9.50 "Наврўз шукуҳи".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Мўъжизавий дунё".
11.50 "Амир Темур".
12.00 "Пазанда". Т/с.
12.50 "Истиқлол қайтарган номлар".
13.00 "Давр".
13.10 "Уммон". Ҳ/ф.
13.50 "Сабрина". Б/ф.
15.50 "Амир Темур".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
16.50 "Баркамоллик йўлидан".
17.10 "Давр мавзуси".
17.30 "Мирзо Улуғбек".
18.00 "Вельвет галереяси". Т/с. 2-фасл.
18.50 "Амир Темур".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Пазанда". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Вельвет галереяси". Т/с. 2-фасл.
23.20 "Мўъжизавий дунё".
00.10 "Навоий хазинаси".
1.40 "Имкон-шоу".
2.30 "Ватанпарвар".
4.10 "Биз киммиз?"
4.30 "Сеҳрли қўллар".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Сабр".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Элиза". Т/с.
11.10 "Тиллақош".
12.10 Миллий сериал: "Сабр".
12.45 "Байрам ошхонаси".
13.10 "Обод хонадон".
13.30 "Пойтахт-культура".
13.45 "Байрам ошхонаси".
14.10 "Тошкент вақти".
15.00 "Ассалом, Наврўз!" телемарафони.
18.15 "Санамжон".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Телетахлил".
21.30 "Poytaxt-madaniyat".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Босиком по городу". Х/ф.
23.45 "Мобильная камера".
00.05 "Poytaxt-eko".
00.15 "Ҳикматли дунё". "Бувижон".
1.00 "Пойтахт-авто". (такрор)
1.15 "Кўнгил ҳайратлари".
1.45 "Poytaxt-Hi-tech".
2.10 "Рангли телевизор".
2.55 "Мен сизга айтсам".
3.40 "Poytaxt-eko".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Халқ ўйинлари".
6.30 "Болалар спорти".
7.00 Sport online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.15 Футзал. Осиё чемпионати.
9.50 "Камолот спорти".
10.15 Интерфутбол.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 Sport online".
13.05 Велоспорт.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.20 "Спорт сайёраси".
23.50 "Техноспорт".
00.05 Велоспорт.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.25 Профессионал бокс.
2.20 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
3.25 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.
4.45 "Эътироф".
5.00 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Меҳрибоним".
6.35 "Чироғи ёниқ уй".
7.00 Миллий кино. "Садоқат".
8.25 "Юртимда Наврўз".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Табиат шифохонаси".
9.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
9.35 "Халқ виждони".
10.25 "Обод маҳаллада Наврўз".
11.30 "Юртимда Наврўз".
11.35 "Кўнгилдаги гаплар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Ойижон".
14.20 "Юртимда Наврўз".
14.25 "Қадр топган қадриятлар".
14.55 "TV анонс".
15.00 Миллий сериал. "Умидингни сўндирма".
15.30 "Ихтиро".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
16.30 "Мен сиздан шифо топдим".
16.55 Қисқа метражли фильм. "Онажон".
17.35 "Маҳалламиз болалари".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Табаррук анъана".
18.25 "TV анонс".
18.30 "Саодатли умр".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
19.35 "Ноёб институт".
19.55 "Юртимда Наврўз".
20.00 "Ён қўшним-жон қўшним".
20.25 "Обод манзиллар".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Кореялик келин".
22.30 "TV анонс".
22.35 "Шарқона маскан".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Шукрона".
23.35 "Қишлоқ қўйнидаги бахт".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Меҳрибоним".
00.40 "Мўъжаз Ватан".
1.00 Миллий кино. "Ойижон".
2.20 "Кўнгилдаги гаплар".
3.05 Миллий сериал. "Умидингни сўндирма".
3.40 "Аждодлар хазинаси".
4.00 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
4.30 "Юртимда Наврўз".
4.35 "Эҳтиёж формуласи".
4.55 "Муқаддас қадамжолар".
5.00 "Соғлом турмуш".
5.25 "Фотокўзгу".
5.30 "Фермер".
5.55 – 6.00 "Юртим манзаралари".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Богбон болажон".
8.50 "Мультипанорама".
10.00 "Bravo English!"
10.30 "Қувноқ алифбо".
11.00 "Болалар учун фильм".
12.50 "Болажон ошхонаси".
13.00 "Мультипанорама".
13.30 "Табиатга саёҳат".
14.00 "Эртаклар оламида".
15.50 "ABC-kids".
16.10 "Таътил саргузаштлари".
17.00 "Ширинтой-кичкинтойлар".
17.10 "Уйинчоғим-овунчоғим".
17.50 "Болажон устахонаси".
18.00 "Болалар учун фильм".
19.20 "Сеҳрли қўллар".
19.30 "Кўзмунчоқ".
20.00 "Мультипанорама".
20.50 "Электрон дунё".
21.00 "Қувноқ стартлар".
21.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 Миллий кино. "Мен - юлдузман".
7.30 Миллий кино. "Арзанда".
9.05 Саргузашт фильмлар экрани. "Грейстоук".
11.15 "Куда приводят мечты". Ҳ/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Умид тилсими".
13.55 "Муҳаббат қушлари". Б/ф.
15.35 Болалар экрани. "Бембининг болалиги".
16.50 "Бурч ва муҳаббат". Б/ф.
19.05 "Баҳор таронаси". Т/с.
20.10 Миллий кино. "Зарб".
21.40 "Ҳафта юлдузи". Деми Мур.
21.55 "Руҳ". Б/ф.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Зелёная миля". Х/ф.
3.05 "Ўн етти ёшлилар". Б/ф.
4.40 – 6.00 Миллий сериал. "Чархпалак".

ЧОРШАНБА, 23

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Наврўз тантанаси".
7.50 "Иқлим".
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
9.15 "Иқлим".
9.30 "Монк". Т/с.
10.15 "Агроолам".
10.30 "Ягона оилада".
10.45 "Навоий олами".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опасингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Қишлоқ ҳаёти".
14.40 Миллий сериал: "Аммажоним – аммажон".
15.10 "Иқлим".
15.20 "Мўъжизалар макони".
15.45 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
16.30 "Менинг ҳуқуқим".
16.40 "Нигоҳ".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сен ёлғиз эмассан".
17.25 "Парламент ҳаёти".
17.40 "Монк". Т/с.
18.25 "Менинг боғим".
18.45 Миллий сериал: "Опасингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги саробларида". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.25 – 00.05 "Тақдир ҳукми". Б/ф.
00.05 Миллий сериал: "Опасингиллар".
00.45 "Менинг боғим".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Чеча". Спектакль. 2-қисм.
3.20 "Мўъжизалар макони".
3.45 "Шарқ тароналари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
5.10 – 5.55 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Юлдузингни бер, осмон". Б/ф.
7.30 "Қизлар мактаби".
8.00 "Соғлом она ва бола".
8.30 "Жек ва ловия пояси". Т/с.
9.30 "Давр мавзуси".
9.50 "Огоҳ бўлинг!"
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Мўъжизавий дунё".
11.50 "Амир Темур".
12.00 "Пазанда". Т/с.
12.50 "Истиқлол қайтарган номлар".
13.00 "Давр".
13.10 "Нуқтаи назар".
13.50 "Икки олам аро". Б/ф.
15.30 "Баркамолдан йўлидан".
15.50 "Амир Темур".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
16.50 "Юрт келажаги".
17.10 "Автопатруль".
17.30 "Соғлом ҳаёт".
17.50 "Узингдан қўймасин".
18.00 "Вельвет галереяси". Т/с. 2-фасл.
18.50 "Амир Темур".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Оналар мактаби".
21.00 "Пазанда". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Вельвет галереяси". Т/с. 2-фасл.
23.20 "Мўъжизавий дунё".
00.10 "Дугоналар".
4.40 "Ёшлар боғи".
5.00 "Шарқ гавҳари".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Сабр".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Элиза". Т/с.
11.10 "Кўзгудаги Биз".
11.40 "Эртамиз эгалари".
12.15 Миллий сериал: "Сабр".
12.50 "Пойтахт-авто".
13.15 "Кинотақдим".
13.35 "Ҳимоя".
13.50 "Poytaxt-madaniyat".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 "Борн муқояси". Б/ф.
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
18.50 "Poytaxt-reportaj".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Танҳо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Тошкент вақти".
21.50 "Телемаркет".
22.20 "Если я останусь". Х/ф.
00.05 "Бахт қўрғони".
00.35 "Ҳикматли дунё". "Сўнгги пушаймон".
1.00 "Poytaxt-avto".
1.10 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
1.45 "Poytaxt-madaniyat".
2.10 "Сифат назорати".
2.40 "Мен сизга айтсам".
3.35 "Кадр ортида".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Соғломжон-полвонжон".
6.40 "Ифтихоримсан, спорт".
7.00 Sport online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 Футзал. Осиё чемпионати.
9.45 Профессионал бокс.
10.40 Баскетбол.
11.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 Sport online".
13.05 Велоспорт.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.20 "Спорт сайёраси".
14.35 "Техноспорт".
14.50 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.
16.15 "Миллий томошалар".
16.45 Теннис.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Жозиба".
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 ХАБАРЛАР.
20.55 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
21.50 Волейбол.
23.10 Велоспорт.
00.05 Баскетбол.
1.20 ХАБАРЛАР.
1.45 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.
3.10 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
4.00 Велоспорт.
4.50 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Меҳрибоним".
6.35 "Ораста бекажон".
7.00 Миллий кино. "Кореялик келин".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Очиқ дарс".
9.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
9.30 "TV анонс".
9.35 "Саодатли умр".
10.05 "Фотокўзгу".
10.10 "Шарқона маскан".
10.35 "Юртимда Наврўз".
10.40 "Обод манзиллар".
11.05 "TV анонс".
11.10 "Ён қўшним-жон қўшним".
11.35 "Юртимда Наврўз".
11.40 "Табаррук анъана".
12.05 "Маҳалламиз болалари".
12.25 "TV анонс".
12.30 "Ноёб институт".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Тўқликка шўхлик".
14.15 "Халқ виждони".
15.05 Миллий сериал. "Умидингни сўндирма".
15.40 "Табиат шифохонаси".
16.00 "Кун нафаси".
16.05 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
16.35 "Қадр топган қадриятлар".
17.00 "Юртимда Наврўз".
17.05 "Маҳалламиз Зулфиялари".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
18.25 "Обод юрт одамлари".
18.45 "Таҳлил ва талқин".
19.05 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
19.40 "Соғлом оила".
20.05 "Шукрона".
20.30 "Қишлоқ қўйнидаги бахт".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Ватан".
22.30 "Қайнона бисотидан".
22.55 "Юртимда Наврўз".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Қариси бор уй".
23.35 "Маҳалладошлар".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Меҳрибоним".
00.35 "Ихтиро".
1.00 Миллий кино. "Тўқликка шўхлик".
2.15 Ток-шоу. "Эзгу сўз, эзгу амал".
3.00 Миллий сериал. "Умидингни сўндирма".
3.35 "Мен сиздан шифо топдим".
4.00 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
4.30 "Муқаддас қадамжолар".
4.35 "Йўлга чиқдик".
5.00 "Фотокўзгу".
5.05 "Маҳалламиз спортчилари".
5.55 – 6.00 "Юртим манзаралари".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Богбон болажон".
8.50 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Кўзмунчоқ".
11.00 "Болалар учун фильм".
12.50 "Болажон орзуси".
13.00 "Болажон устахонаси".
13.10 "Мультипанорама".
13.40 "Ширинтой-кичкинтойлар".
14.00 "Эртаклар оламида".
15.30 "Болажон меҳмонхонаси".
16.00 "Электрон дунё".
16.10 "Таътил саргузаштлари".
17.00 "Табиатга саёҳат".
17.30 "Топағон болажон".
17.50 "Болажон ошхонаси".
18.00 "Болалар учун фильм".
19.30 "Bravo English!"
20.00 "Мультипанорама".
20.50 "Сеҳрли қўллар".
21.00 "Қувноқ стартлар".
21.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Холодильникда кимдир бор". Б/ф.
7.20 Миллий кино. "Зарб".
8.50 Саргузашт фильмлар экрани. "Ажал чангалидан чиққанлар". Б/ф.
10.45 "Лучшее предложение". Ҳ/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Орият ва эҳтиром".
13.50 "Муъжизалар мамлакати". Б/ф.
15.35 Болалар экрани. "Бембининг ёшлиги".
16.45 "Пилла". Б/ф.
19.00 "Баҳор таронаси". Т/с.
20.05 Миллий кино. "Тақдирлар".
21.40 Жаҳон киноси. "Яхши йигитлар".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Крутой стрелок". Х/ф.
1.35 "Яхши аёл". Б/ф.
3.00 "Хитойча даво". Б/ф.
4.40 – 6.00 Миллий сериал. "Чархпалак". Якунловчи қисмлар.

(Давоми келгуси сонда)

"101"

ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Ёнғин бир неча сонияда мол-мулкдан ва яқинлардан ажратадиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнғиндир.

Олов ҳеч кимни ва ҳеч нарсани аямайди. Ер юзида ҳар куни содир бўлаётган ёнғинлар эса неча-неча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиб қолмоқда.

Кундалик турмушда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз, ёш болаларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатида юзага келаётганлигини кўрсатмоқда. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир бекаларимиз эса газда овқат қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар.

Ёнғин нафақат уй қурилмалари, жиҳозларни кулга айлантиради, ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаёти, соғлиғи ва ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради. Шунинг учун биз Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари барчани фарзандларингизга эътиборли бўлишингизни сўраймиз.

Болалар — бизнинг келажагимиз, уларни асрабавайлаб Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишига жавобгармиз. Ўсиб келаётган авлодлардан ҳаёт сабоқларимизни ҳеч қачон аямайлик.

Шуҳрат УМАРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
28-ҲЁХҚ кичик инспектори,
сафдор

ҚИСҚА ТУТАШУВНИНГ ТАШВИШИ УЗУН

Бугун кундалик турмушимизни электр энергиясисиз тасаввур қила олмаймиз. Иш жараёнидан оддийгина маиший юмушлар ҳам электр кўмагида амалга оширилади.

Аммо электр энергиясидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, қолаверса, уни тартиби ва қоидалари асосида ишлатиш зарур бўлади. Айниқса, электр симларининг очилиб қолиши инсон соғлиғига, ҳатто ҳаётига ҳам хавф туғдиради. Қолаверса, электр симларининг очилиб қолиши, узоқ муддат кучли электр истеъмоли, электр розеткаларига бўлган эҳтиётсизлик натижасида ёнғин ҳолатлари юзага келиши мумкин.

Шу боис, ҳар биримиз электр энергиясидан фойдаланишда эҳтиёт бўлишимиз лозим. Ана шундагина электр энергияси ва маиший техникалар ҳақиқий дастёримизга айланади.

Д.МАМБЕТОВ,
Сергели тумани ИИБ ЁХБ инспектори,
сержант

ФАРОВОН ТУРМУШ ОМИЛИ

Эътиборсизлик, лоқайдлик, ёнғинларнинг келиб чиқиш ўчоғидир. Гараж орасида қолган чиқиндилар, уй атрофларида ташланган маиший ахлат, ўз вақтида ўрилмасдан ўсиб кетган ўтлар — буларнинг барчаси нафақат манзарани, экологияни бузади, турли ҳашаротларнинг кўпайишига олиб келади. Ёнғинларга ҳам сабаб бўлади.

Ёнғиннинг олдини олиш мақсадида фуқаролар қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари мақсадга мувофиқдир:

— носоз бўлган электр асбоб-анжомларидан фойдаланманг;

— уй, чордоқ ва ертўлаларида тез алангаланувчи суюқликларни сақламанг;

— маҳаллалардаги бинолар, уйлар ҳамда шахсий хонадонларда ахлат чиқиндилари, шох-шаббалар ва хазонларнинг ёқилишига йўл қўйманг;

— уйдан қисқа вақтга чиқсангиз ҳам электр ва газларни ўчиринг ҳамда ёш болаларингизни ёлғиз қолдирманг;

— газ ўчоқлари жойини ўзбошимчалик билан ўзгартирманг;

— газ ўчоқлари устида ювилган кирларни қуритишга йўл қўйманг;

— ёқиб қўйилган электр иситиш асбобларини, электр дазмол, плита ва телевизорларни қаровсиз қолдирманг;

— ўриндиқда ётиб чекиш ҳаёт учун хавфли;

— ёш болаларни ёлғиз қолдириб, гугурт ёки пиротехника воситаларидан фойдаланишга йўл қўйманг;

— ёқилғи иситгич печлари, газ ўчоқлари теварак атрофида тез ёнувчи буюмларни сақламанг, ўчоқларни назоратсиз қолдирманг.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, агарда ёнғин хавфини сезсангиз "101" телефонига қўнғироқ қилиб, ҳодиса рўй берган жойни аниқ айтинг, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари етиб келгунга қадар бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиб ёнғинни бартараф этишга киришсангиз мақсадга мувофиқ бўлар эди.

А.БАРАТОВ,
14-ҲЁХК 9-А/П инспектори, сержант





Ўзи олган суратлар

Таълим

БАРКАМОЛ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Сергели туманидаги 284-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш юзасидан ота-оналар ва битирувчилар иштирокида тадбир ўтказилди.

ТХТМФМТТЭБ ходимлари, "Янги Сергели", Амир Темур номли маҳалла фуқаролар йиғинлари, "Камолот" ЁИҲ вакиллари, Сергели саноат, Сергели политехника касб-ҳунар коллежлари, ТДЮУ қошидаги академик лицей ўқувчилари қатнашган тадбирда 2015-2016 ўқув йилида 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш ҳамда ота-оналарга касбга йўналтириш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз борди.

Тадбирда сўз олган 284-мактаб директори М.Қодирқулова ота-оналар ва 9-синф ўқувчиларига Вазирлар Маҳкамасининг 109-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ битирувчиларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида ўқишни давом эттиришлари лозимлиги, 12 йиллик таълимнинг мажбурийлиги ҳақида маълумот берди. Мактаб руҳшуноси эса 9-синф битирувчиларига ўз қобилияти, қизиқиши, имкониятидан келиб чиққан ҳолда касб танлашга ёрдам бериш, ўсмир ёшларни муайян мақсад сари йўналтириш, касбий ўзлигини англаш ва ҳаёт йўлини танлашда ўз фикрларига таянган ҳолда сўровномалар тўлдиришлари лозимлигини тушунтириб ўтди.

Шунингдек, Сергели политехника, Сергели саноат касб-ҳунар коллежлари ҳамда ТДЮУ қошидаги академик лицей вакиллари ўз ўқув муассасаларида яратилган шарт-шароитлар ва касбий йўналишлар ҳақида тўхталиб ўтдилар, она-оталар ҳамда 9-синф битирувчиларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

— Биз фарзандларимизнинг ўзлари қизиққан соҳаларини танлаб, ҳаёт йўлларини тўғри белгилашлари борасида пухта режалар асосида иш олиб борамиз, — дейди мактаб раҳбари М.Қодирқулова. — Жумладан, фақат ўтган бир ой давомида "Қиз боланинг касби — унинг бахти" тадбири, мактаб ўқувчиларининг меҳнат дарсларида ҳамда тўгаракларда ўз қўллари билан тайёрлаган ишлари кўргазмаси, 1-республика тиббиёт коллежи вакиллари билан суҳбат, "Моҳир қўллар" мавзусида танлов ташкил этилди. Шунингдек, ўқувчиларга ҳар хил йўналишлар бўйича тушунчалар бериш мақсадида ғазалхонлик кечаси, "Пазандачилик сирлари", "Касб-ҳунар — қизлар иқболи" мавзусида синфлараро деворий газеталар танловлари бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, ўқувчиларнинг Тошкент темир йўл, Тошкент туризм ва бизнес, Яккасарой енгил саноат, тиббиёт, педагогика коллежларига танишув ташрифлари уюштирилди.

Ўйлаймизки, бу қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар натижасида мактабнинг ҳар бир ўқувчиси ўз қизиқишлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунар танлаб, келажакда ўз соҳасининг устаси бўлиб етишади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Анжуманлар

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида "Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг 2015 йилдаги фаолияти сарҳисоби ва 2016 йилга мўлжалланган устувор вазифалари" мавзуига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Р.Умаров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт тизимини модернизациялаш, санитария-эпидемиология соҳасини ислоҳ этишга қаратилаётган эътибор, соғлом муҳит яратиш инсон саломатлигини асрашда юқори самаралар бераётганини таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этишнинг мустаҳкам, ҳуқуқий ва амалий механизми яратилган, дунё стандартларига жавоб берадиган санитария-эпидемиология хизмати ташкил этилиб, унинг моддий-техник базаси йилдан йилга такомиллашиб бормоқда.

Бу борадаги ишларни изчиллик билан амалга оширишда 2015 йил 27 августдаги "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни дастуруламал бўлмоқда. Қонунда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги, давлат санитария назорати, фуқароларнинг яшаш муҳити, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни ташкил этишнинг аниқ механизмлари белгиланган.

Эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишнинг самарали тизими яратилган ва бу борада қабул қилинган миллий эмлаш тақвими янги вакциналар билан бойитилмоқда.

Ичимлик сувининг сифати устидан мониторинг юритиш, овқатланиш шохобчалари, бозорлар ва жамоат жойларида санитария ҳолатини яхшилаш, чиқиндиларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш масалалари ҳам доимий эътиборда.

Ушбу мақсадли ва хайрли ишлар натижасида юртимизда санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлашга эришилмоқда.

Жумладан, инсон ҳаёти ва соғлигига жиддий таъсир этадиган турли хил юқумли касалликлар, гепатит В, полиомиелит, дифтерия, қизамиқнинг олдини олишга эришилмоқда.

Бугунги кунда пойтахтимиздаги даволаш муассасалари эмлаш препаратлари билан тўлиқ таъминланган. Юртимизда ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб пневмококк инфекциясига қарши эмлаш жорий этилди.

Анжуманда шаҳар санитария-эпидемиология назорати марказининг ихтисослаштирилган лабораториялари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар натижалари журналистларга тақдим этилди.

Шунингдек, тадбирда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари ва бажарилаётган чора-тадбирлар юзасидан маърузалар тингланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Спорт янгиликлари

САЛОМАТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш айниқса, қизларни спортга кенг жалб қилиш устувор вазифалардан бирига айланган. Ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар тарафлама соғлом ва етук этиб тарбиялаш барчанинг вазифаси ҳисобланади.

Пойтахтимизда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ўсмир қизлар ва болалар ўртасида "Соғлом авлод учун" кубоги спорт фестивали ташкил этилди.

Спортнинг нафис турлари ҳисобланган спорт рақси, бадминтон ва ушу тури бўйича мусобақаларда якка тартибда иштирокчилар қатнашди. Фестивалда жами 150 нафардан ортиқ 2000-2005 йилларда туғилган ва ундан кичик ёшдаги ўсмир қизлар ва болалар уч ёш тоифасида иштирок этишди.

Мусобақа қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш, ёшларни, айниқса қизларни жисмонан бақувват, баркамол ва соғлом бўлишга ёрдам бериш мақсадида ўтказилди.

— Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса ўсмирларни спортга жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди матбуот котиби Аббосжон Эргашев. — Спорт – саломатлик гарови. Юртимизда болалар ва ўсмирлар спорти ривожига алоҳида аҳамият берилиши натижасида спортчиларимиз юксак ютуқларни қўлга киритишаётгани қувонарли ҳол.

Турнир ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан диплом ва совғалар билан тақдирланди. Мусобақа қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаши, келажакда ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишларига замин бўлиши шубҳасиз.

Зарина РУСТАМОВА

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ўзининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири келажагимиз бўлган ёшларни она Ватанга садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш билан уларда инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдириш ва эзгу ишлар сари йўналтиришга хизмат қилиб келмоқда.

ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Тошкент автомобиль йўллари институтининг спорт майдонида спортнинг авиамодель тури ҳаво жанги бўйича Тошкент шаҳар чемпионати ва 1-босқич мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада республика ва халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлган Тошкент шаҳри, пойтахт вилоятидан 35 нафар спортчи, вояга етмаган ёшлар иштирок этишди.

Терма жамоалар таркиби қуйидагича – "F-2-D" классида 9 ёшдан 18 ёшгача бўлган 6 нафар ёшлар, "F-2-D" классида 18 ёшдан 53 ёшгача бўлган 21 нафар спортчи беллашди.

Мусобақанинг финал босқичида томошабин ёшлар жараённи кузатиш билан бир қаторда авиамодель спорти бўйича мураббийлар ва спортчилардан мазкур спорт тури ҳақида маълумотлар олишди.

Умумий натижаларга кўра "F-2-D" классида 18 ёшдан 53 ёшгача бўлган гуруҳлар ўртасида 1-ўринни Евгений Белоцерковский ва Сергей Святний эгаллади. "F-2-D" классида 9 ёшдан 18 ёшгача бўлган гуруҳлар ўртасида эса Муҳиддин Бобораҳимов ва Геннадий Галотийлар 1-ўринга лойиқ топилди. Шунингдек, жамоалар ўртасида ҳам ғолиблар аниқланди.

Тадбирда "Ватанпарвар таронаси" ашула ва рақс ансамблининг хонандалари томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ниҳоят мамлакатимиз футбол мухлислари орзиқиб кутган кунлар етиб келди. Олий лига жамоалари мамлакат XXV миллий чемпионатида иккинчи тур баҳсларини ҳам ниҳоясига етказишди.

ИККИНЧИ ТУР НАТИЖАЛАРИ

"Пахтакор" марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар 2-турда мамлакат чемпиони "Пахтакор" ҳамда "Қўқон-1912" жамоалари баҳсига гувоҳ бўлишди.

Амалдаги чемпион жамоанинг устунлиги остида кечган баҳс 4:0 ҳисобида "Пахтакор"нинг ғалабаси билан якунланди. Меҳмонлар дарвозасини Игорь Сергеев (2 та), Шерзод Каримов ва Суҳроб Бердиев аниқ нишонга олишди. Ушбу йирик ҳисобдаги ғалаба "Пахтакор"ни ҳозирча пешқадам қилиб турибди. Чунки, аввалги учрашувда ҳам тошкентликлар зафар қучишган эди.

Иккинчи турда "Локомотив" ва "Бунёдкор" жамоалари сафарда тўп суришди. "Андижон" жамоаси меҳмони бўлган "Локомотив" 3:1 ҳисобида мезбонларни мағлубиятга учратди.

Жиззахда "Сўғдиёна" меҳмони бўлган "Бунёдкор"га ҳам омад кулиб боқди. Баҳодир Насимов томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган ягона гол ўйин охиригача ўзгармади.

Шунингдек, пойтахтимизнинг яна бир бошқа жамоаси "Обод" Тошкентда "Бухоро" жамоаси билан беллашди. Муросасиз ва қизиқарли кечган беллашув 0:0 ҳисобида якунланди ва "Обод" олий лигадаги дастлабки очкони қўлга киритди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. "Олмалиқ" — "Насаф" — 1:3, "Машъал" — "Металлург" — 1:3, "Шўртан" — "Қизилқум" — 0:1, "Нефтчи" — "Навбаҳор" — 1:0.

МУРАББИЙЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Мамлакатимиз футболини янада ривожлантириш, етакчи жамоаларимизнинг халқаро турнирлардаги муваффақиятли иштирокини таъминлаш, олий лига клубларининг миллий чемпионатдаги иштироки сифатини янада яхшилаш муҳим масалалардан бири.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Осиё футбол конфедерациялари ҳамкорлигида ўзига хос ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Футбол жамоалари учрашувларининг янада сифатли ўтиши албатта мураббийлар маҳоратига боғлиқ. Яқинда Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Осиё футбол конфедерацияси ҳамкорликда мураббийларни халқаро миқёсдаги футбол янгиликларидан хабардор қилиш, уларнинг тажриба ва малакаларини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди. Беш кун давом этган ушбу ўқув курсларида иштирок этиб, тажриба орттирган мураббийларга сертификатлар топширилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

"Наврўз" умумхалқ байрами ўтказилиши муносабати билан шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳар кўчаларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги фармойишига мувофиқ 21 март куни шаҳримизнинг баъзи марказий кўчаларида барча турдаги транспорт воситалари ҳаракатини маълум муддатга чеклаш кўзда тутилган.

Қуйидаги кўчаларда 2016 йил 21 март куни барча турдаги транспорт воситаларининг ҳаракати чекланади:

2016 йил 21 март куни соат 06:00 дан 16:00 гача:

— Бунёдкор шоҳ кўчаси — Муқимий кўчасидан Қоратош кўчасигача;

— Қоратош кўчаси — Самарқанд дарбоза кўчасидан Бунёдкор шоҳ кўчасигача;

— Ўзбекистон кўчаси — Бунёдкор шоҳ кўчасидан Олмазор кўчасигача;

— Бобур кўчаси — Ўрикзор кўчасидан Шаршара кўчасигача;

— Бешёғоч кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Фурқат кўчасигача;

— Фурқат кўчаси — Шаршара кўчасидан Навоий кўчасигача;

— Олмазор кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Бешёғоч кўчасигача;

— Байналмилал кўчаси — Бунёдкор шоҳ кўчасидан Фурқат кўчасигача;

— Себзор кўчаси тоннелга кириш йўлидан;

— Зарқайнар кўчаси тоннелга кириш йўлидан.

Шунингдек, 2016 йилнинг 21 март куни байрам тадбирлари ўтказиладиган Марказий зобитлар уйи, Тошкент Ҳайвонот боғи, "Ўзбекистон давлат цирки", "Бахт диёр" гузари олдидаги майдонларга ва Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, Бобур номидаги ҳамда "Гулшан", Фурқат, "Сувчи" даҳасидаги "Қуёшча нури" номли маданият ва истироҳат боғларига туташ кўчаларда халқ сайли вақтида вазият тақозо этганда транспорт воситаларининг қатновини вақтинча тўхтатишга рухсат этилади.

Шароит тақозо этганда бошқа кўчаларда ҳам қисқа муддатга транспорт воситаларининг ҳаракати чекланиши мумкин.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **19 март** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ёмғир ёғиши мумкин, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража иссиқ, кундузи — 13-15 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 17.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ